

ҚУМҚҮРФОНДА ПАХТА ЙИҒИМ-ТЕРИМИ ДАВОМ ЭТМОҚДА



Тумандаги барча фермер хўжаликларида мاشақатли меҳнатлар эвазига етиштирилган пахта ҳосилини йиғишириб олиш ишлари қизғин давом этмоқда.

Сентябр ойининг бошларидан бутун мамлакат бўйлаб босқичма-босқич пахта терими бошланди. 2022-йилги мавсум учун Қумқўрғон туманида 222 та терим отрядлари шакллантирилиб, отрядга 19373 нафар, пахта-тўқимачилик кластери ва оиласвий пудратчиларнинг ишчилари ҳамда уюшмаган аҳолидан иборат теримчилар жалб қилинган.

Чунки, далаларда дехқоннинг пешона тери, қалб қўри билан етиштирилган ҳосилни ёғин-сочинли кунларга қолдирмай йиғиб-териб олиш даркор. Шу боис, тумандаги барча фермерларнинг диққат-э'тибори пахта ҳосилни ўз вақтида йиғишириб олишга қаратилган.